

## ЎЗЛИК ТУШУНЧАСИ ОРҚАЛИ МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

**Ўроқов Б., Сирдарё ВПКҚТМОИ доценти, Каримова И., Сирдарё ВПКҚТМОИ  
ўқитувчиси, Қаҳҳарова М., Сирдарё педагогика коллежи ўқитувчиси**

Халқларнинг, элларнинг этногенези (келиб чиқиши) ва унинг шаклланиш жараёнини ўрганишда фанда «этнос» ва «этник бирлик» атамалари қўлланилиб келинади. «Этнос» атамасининг юнонча эканлиги ва у тилимизда халқ деган маънони англатиши ҳаммага маълум. Аммо этник бирлик атамаси рус тилидаги «этническая общность» атамасининг айнан ўзбекчага ўгрилган, унинг сўзма-сўз таржимасига ўхшаб қолган. Шу боисдан ҳам ушбу сунъий ибора ўрнига «ўзлик» атамаси қўлланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, бу атама тилимизда азал-азалдан ишлатилиб келинади ва у «этнос» ҳамда «этническая общность» (этник бирлик) атамаларига нисбатан анча аниқ тушунча. Академик К. Шониёзов уни «Маълум бир ижтимоий тузумда вужудга келган этник уюшмага «этник бирлик» сўзи ишлатилади» (2-75) деб изоҳлайди.

Этник бирлик деганда фан унинг уч турини (қабила, элат ва миллатни) тан олади. (2-76) Аслида эса этник бирликнинг азал-азалдан тўрт йирик босқичи мавжуд бўлган. Дастлаб, ибтидоий жамоа тузумида унинг катта патриархал оила ва уруғ жамоаси деб аталган икки тури вужудга келган бўлса, мулкий табақаланиш бошланиб, дастлабки синфий жамият вужудга келгач, этник бирликнинг «эл» ва «элат» деб аталган икки тури шаклланади. Шундай қилиб этник бирликнинг уч тури эмас, тўрт тури мавжуд бўлган. Бу ҳолат Ватанимиз тарихида токи XX асрнинг бошларигача деярли ўзгаришсиз анъана, қадрият тариқасида сақланиб келган, фақат XX аср бошларига келиб «элат» атамаси ўрнини «миллат» атамаси эгаллади.

«Ўзлик» атамасини тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Унинг тор маъносига ўзлик бу ўзим, яъни, мен ва ўзимиз, сўзларининг умумийсига ўзлик дейилади деб таъриф бериш мумкин. Ўзлик тушунчасининг кенг маъноси эл, халқ, элат ва миллат ўзлиги, шу эл, халқ ва миллат ичидан етишиб чиққан буюк бобоқолонлари қолдирган илмий, маърифий, сиёсий, тарихий, диний, фалсафий, ахлоқий, адабий мерос ўзлиги, шу эл, халқ томонидан ёки унинг аجدодлари томонидан яратилган моддий ҳамда маънавий бойликлар ўзлиги, туркийликка хос бўлган урф-одатлар, қадриятлар ўзлиги ва шу қабилар тушунилади. Ўзлик шажарасининг аҳамияти тўғрисида гапирилганда кўпроқ унинг амалиётда қўлланилиш даражасига эътибор қаратилади.

Маълумки, туркий эллар қадим замонлардан ўз аجدодларининг кимлар бўлганлигига, уларнинг тарихига қизиқиб келган. Шу сабабли улар фарзандларига, невараларига етти отасини номма-ном эслатиб, баъзиларининг қилган эзгу, ибратли ишларини айтиб келган, уларнинг қахрамонликларини куйлаб кўшиқлар, дostonлар яратган. Бу эса ёшларда ота-боболарига ҳурмат, меҳр, фахр туйғуларини кучайтиришда муҳим рол ўйнаган ва ўзлик шажараси таркибидаги оила ҳамда ота шажараларини шулар асосида тузган. Ўзлик шажараси ҳар бир кишининг ўзлигини англашга, келиб чиқишини билишга, ўз элининг ажралмас бир қисми эканлигини тушуниб етишга томон чорлайди. Эл миллатнинг таркибий қисми бўлиб, ўзлик шажараси уларни бир-бирига узвийлик занжири ҳалқалари орқали чамбарчас боғланиб келганлигини кўрсатади.

Юқорида ўзликни этник бирликлардан ташкил топган умумий тушунча деб изоҳланган эди. Дарҳақиқат, ўзлик бу «ўзим» ва «ўзимиз» сўзларининг умумийсигина бўлиб қолмасдан, ўзлик шажарасини ҳам ўз ичига олувчи, шу билан биргаликда, элларимиз, халқимиз, миллатимиз, маънавиятини унинг моддий ҳамда маънавий бойликларини ҳам қамраб олувчи кенг тушунчадир.

Демак, юқорида баён қилинган изоҳларга асосланиб, ўзлик тушунчасига таъриф берадиган бўлсак, ўзлик деб ҳар бир инсоннинг ўзидан ва унинг оиласидан бошлаб токи миллатигача бўлган ораликдаги унинг этник бирлик босқичларига (3-12), шу миллат

томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларга, шу миллатга хос бўлган урф-одатлар ва минталитетга, шу миллат томонидан ўзлаштирилган миллий, диний ва умуминсоний қадриятлар мажмуига айтилади.

Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ҳар томонлама етук баркамол авлодларни тарбиялашдан, шунингдек, ўзлигини яхши англаган озод шахс, эркин фикр юритувчи, ўз халқининг манфаатлари учун курашувчи, ўз юртига, Ватанига сидқидилдан хизмат қилувчи ёшларни тарбиялашдан иборатдир. Ўзлик шажараси шаклан олти қисмига бўлинади ва уларни шартли равишда қуйидагича аташ мумкин: Ўзлик таркиби шажараси, ўзликнинг йирик босқичлари шажараси, ўзликнинг майда босқичлари шажараси, ўзликнинг этник шажараси, ўзликнинг ота шажараси, ўзликнинг оила шажараси.

Шаклан олти қисмга бўлинган ўзлик шажараси моҳият жиҳатдан ҳам бир қанча майда босқичларга бўлиниб кетади. Масалан, ўзлик таркиби деб аталган шажара қуйидаги тўрт босқичга бўлинади: оға-ини жаатмани ўзлиги, қариндошлик жамоаси ўзлиги, элдошлик жамоати ўзлиги, қардошлик жамияти ўзлиги. Ўзликнинг йирик босқичлари шажараси оила ёки тўп, уруғ, эл, миллат деб аталувчи тўрт катта босқичга бўлинса, ўзликнинг майда босқичлари шажараси янги оила, кичик оила, ўрта оила, катта оила, тўп, ота, уруғ, катта уруғ, тармоқ эл, эл, элат, миллат деб аталган ўн иккита майда босқичларга бўлинади. Ўзликнинг этник шажараси ҳам худди ўзликнинг майда босқичлари шажараси каби ўн иккита босқичга бўлинади. Фақат, ўзликнинг ота шажарасигина босқичларга бўлинмасдан, асосий эътибор бунда оталар кетма-кетлигига қаратилади. Оила шажараси моҳиятан янги оила, кичик оила, ўрта оила, катта оила, тўп деб аталувчи беш босқичга бўлинади.

Шундай қилиб юқорида «ўзлик» ва «ўзлик шажараси» атамаларига шарҳ берилди, ўзлик шажараси шаклан ва моҳият жиҳатдан тафовут қилишлиги изоҳланди.

Президент И.Каримов томонидан ўзликни англаш ҳақида жуда кўп фикрлар айтиб келинади. Бунинг туб маъноси шундаки, ҳар бир шахс ўзи ким ва кимларнинг ворислари эканлигини, ота-боболарида қандай фазилатлар бўлганлигини, уларнинг руҳи-поклари олдида масъулиятдорлигини ҳис этиш назарда тутилади. Бундан ташқари ўзлик шажараси орқали ҳар бир киши бутун халқ, миллат, жамият ва Ватан олдида бурчдор эканлигини бир лаҳза бўлса ҳам унутмаслиги зарур. Ёшларни ҳақиқий баркамол шахслар бўлиб улғайишида, ўзига ва ўзгаларнинг нималарга қодир эканлигини чуқур англаб етишларида миллий ўзликни англаш улкан тарбиявий аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ҳар бир шажара ёки ўзлик бу тарих, тарих бўлганда ҳам ҳар қандай сиёсатдан, мафкуралардан ҳоли бўлган ҳаққоний тарих. Шу боисдан ҳам уни ўрганиш ўзликни англаш демакдир. Бинобарин, ўзлик тушунчаси орқали ўзликни англаш баркамол авлод тарбиясининг муҳим шартидир. Президент Ислам Каримов ҳам «ўзликни англаш, тарихни билишдан бошланади» (1-5) деганда, ана шу кенг маънодаги ўзликни назарда тутган.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: 1998.
2. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Т.: 2001.
3. Ўроқов Б., Сувонов О., Ўроқов И. Ўзликнинг узвийлик шажараси. –Г.: 2005.